

Халқ Сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ


25 сентябрь, пайшанба, 1997 йил
Сотувида эркин нархда. № 199 (1716)

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

24 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов элчилик ваколати муддатининг тугаши муносабати билан Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Стенли Эскудерони қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари АҚШ элчиси ўз миссияси даврида Ўзбекистонда кўп хайрли ишларни амалга оширганлиги ташкилдорлар, Ўзбекистон-Америка муносабатларининг ҳар томонлама мустақамлаштиришида, турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорликнинг тобора кенгайишида С. Эскудероннинг ҳиссаси катта эканини қайд этди.

— Ўзбекистонга элчи бўлиб келган кунингизни яхши эслайман, — деди Ислам Каримов. — Сиз билан ҳамкорликда қилинган саъй-ҳаракатлар туфайли бутунги кунда икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар юксак даражада ривож топаётганидан қониқиш ҳосил қилиш мумкин.



АҚШ элчиси Ўзбекистон-Америка муносабатларини мустақамлаштиришида ўз ҳиссасини кўча юртимиздан ажойиб таассуротлар билан қайтаётганини маълум қилди.

дипломатик миссиясини бажарган йиллар ҳаётининг энг ажойиб давлари бўлиб қолаётгани ҳамда юртимиздан ажойиб таассуротлар билан қайтаётганини маълум қилди.

зидентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Норов, ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

СУРАТДА: қабул пайти. Ф. ҚУРБОНБОВЕВ олган сурат.

Қабул маросимида Пре-

ТАЖРИБА АЛМАШИЛДИ

Андижонда ёшлар, тадбиркорлар ва хотин-қизлар муаммоларини ҳал этишнинг ҳозирги йўлларига бағишланган икки кунлик минтақавий семинар бўлиб ўтди.

Уни Конрад Аденауэр номидаги жамғарма Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Товар ишлаб чиқарувчи ва тадбиркорлар республика палатаси, республика ёшларнинг «Қамолот» жамғармаси кўмағида ташкил этди.

«Туркистон — умумий хонадонимиз» ширси остида ўтган семинар ишида республикамиздангина эмас, Қирғизистоннинг Ўш вилоятдан ҳам хотин-қизлар, ёшлар ташкилотларининг вакиллари, тадбиркорлар иштирок этди.

Семинар иштирокчилари икки кун давомида «Хо-

тин-қизлар ва жамият», «Ёшлар ва жамият» ҳамда «Тадбиркор нималарни би-лиши лозим?» мавзуларида уч турухга бўлиниб, ёшлар ва хотин-қизларга ёрдам бериш, тадбиркорликни ривожлантириш билан шуғулланувчи республика, хорижий ва халқаро ташкилотларнинг ишини муҳокама қилдилар, Фарбий Европадаги айрим мамлакатлар бизнесменларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий фаолияти билан та-нишдилар, ўз фаолиятига доир тажриба ва фикрлари билан ўртоқлашдилар.

К. НИЗОМОВ, ЎзА мухбири.

ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИДА

Шахрисабз пахта тозалаш заводи қашка воҳасидаги энг кекса санаот корхоналаридан бири. У 1919 йили ташкил топган бўлиб, кўлаб пахта тозаловчилар ушбу корхонада тажриба ортирганлар.

Бу ерда ҳозир ҳам хомашени қабул қилиш, сақлаш, қуриштириш ва тозалаш ҳақисини олганлар меҳнат қилишади. Улар қайта ишлаш жараёнини янада тақомиллаштириш борасида тинмай ишламоқдалар. Шу боис унумдорлик ошяпти. Ишчи-хизматчиларнинг меҳнатга, мулкка бўлган муносабатлари эса ўзгариб бораётир.

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ ШАРОФАТИ

Шахрисабзлик толачилар яқинда корхона янги ускуналар билан жиҳозлаш, илгор технологияларини ишлаб чиқаришга жорий этишга кўл уриб, бу ишни муваффақиятли амалга оширдилар.

Янги қурилма ишлаб бошлагач, хомашени тозалаш ва қуриштириш жараёни тезлашди, маҳсулот сифати яхшиланди. Мухими, талай ортиқча ускуналар чиқариб ташлангач, корхона ичқамлашиб қолди. Илгари ишлаб чиқариш майдони ҳажми 2100 квадрат метрни ташкил этарди. Ҳозир ана шу жой икки марта қисқарди. Толачилар бўшб қолган маъмур бинолар ўрнида тўққимчилик фабрикаси ташкил этмоқчи. Шу ниятда Италия ва Жанубий Корея мамлакатларидан ҳамкорлар жалб этилди. Эндиликда 5 миллион АҚШ доллари миқдорда турли дастгоҳлар, ускуна ва жиҳозлар келтириш мўлжалланаётти.

Янгилик жорий этилиши туфайли катта миқдорда тежамкорликка ҳам эришилляпти. Ҳисоб-китобларга кўра, йилга фақат электр қувватининг ўзидан 5 миллион сўм иқтисод қилинар экан.

— Бу йилги мавсумда 50 минг тоннагача пахта қабул қилиш ниятида эдик, — дейди «Шахрисабз пахта толаси» ҳиссасдорлик жамияти раиси Т. Зокиров. — Энди кўрсаткичларимиз бундан ҳам юқори бўлиши, шубҳасиз.

Корхонада, асосан, Шахрисабз ва Китоб туманлари ҳўжаликларидеги етиштирилган пахта қайта ишланади. Айни кунларда бу ерда ҳар икки туман даладарида тонналаб пахта келтириляпти.

Толачилар эса уни сифатли қайта ишлаш йўлида астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

П. ГАДОВЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЯПОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Хорижда ўзининг мустакил тараққиёт йўлидан дадил қадамлар билан одимлаётган ва жадал суратлар билан жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашиб бораётган Ўзбекистонга қизиқиш кундан-кун ортиб бораётир.

Турли мамлакатлардан юртимизга келётган расмий делегациялар, ишбилармон доиралар вакиллари, сайёҳлар, ҳар қил соҳа мутахассисларининг сони кўпаймоқда. Айтиш керакки, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни муваффақият билан амалга ошираётган Ўзбекистон хорижаги журналистларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. 24

сентябрь куни мамлакатимизга келган Япониянинг дунёга машҳур «Киодо Цусин» ахборот агентлиги ва ундан зиёд газета шарҳловчиларидан иборат ийрик журналистлар делегацияси ҳам ана шу фикримизга асос бўлади.

Япон журналистлари шу куннинг ўзида республика Ташқи ишлар вазирлигида бўлиб, Ўзбе-

кистоннинг ташқи сиёсати, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни билан яқиндан танишиш имконига эга бўлишлар.

Кунчиқар мамлакат журналистлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши Академиясига ҳам таширф буюриб, Бош вазир ўринбосари, маъмур Академия ректори А. Азизхўжаев билан учрашдилар. Сўхбат чоғида Ўзбекистоннинг Япония билан алоқлари ҳар томонлама раванқ топиб бораётгани мамнуният билан таъкилланди.

Яқинда ташкил этилган бўлишига қарамай, бой кўп-хона, тажрибали профессор-ўқитувчилар гуруҳига эга бўлган, хорижаги турли ташкилотлар билан мустақам алоқа ўрнатиб, мунтазам равишда ҳамкорлик қилиб келётган Академия япон журналистларида катта таассурот қолдирди. Яқинда япониялик профессорлардан бир гуруҳи бу ерда давлат ва жамият қурилиши ҳақда иқтисодий тааллуқли мавзуларда семинарлар ўтказгани ҳам эътиборан четда қолмади.

Япониялик меҳмонлар Ўзбе-

кистонда нафақат иқтисодий ва ижтимоий, балки маънавийни юксалтириш, миллий қадриятларни тиклаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётганини гувоҳи бўлишлар. Зеро, давлат ва жамият қурилиши Академиясида бўлиб ўтган кизиқарли сўхбатнинг катта қисми айнан ана шу мавзуга бағишланди.

Япониялик меҳмонлар ҳафта мобайнида турли муассаса ва ташкилот ҳақда корхоналарда бўлиб, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси билан яқиндан танишдилар. Шунингдек, журналистлар қадим Самарқандни зиёрат қилдилар.

ЎзА

«ПАХТА-97»

Қизик бир ҳол. Мирзачўлдаги бирор бригада дала шийпониде ўсган гул ёки райхонни кўрсам мезбондан «Сиз водийданмисиз?» дея сўрайман. Ва, албатта, ўнга саволимнинг тўққизтасига ҳақ деган жавобни оламан. Зотан, водийликлар жуада шинаванда халқ. Имкони топилса ҳафтанинг олти кунда дўппидек бўлса ҳам ош дамлашга рағбатли бор уларнинг. Каерга бормасинлар, албатта, белбоғларининг қатига гул уруғи туғиб боришади.

Ҳафсалани ана шу одамлардан ўрганиш керак. Райхон. Тўрқовоқ. Белана овми. Девзира гуручдан дамланган қалампирли ош. Бирдан сизга ҳам юқадиган бегард ва таъмасиз табасум водий халқи табиати-нинг ўзига хос ёрлиғидир.

Эҳтимол шу туфайли асли Фарғонадан бўлган ҳикомият қаҳрамони Гулсара Умаровадан бу йил далага на қовун, на тарвуз экмаганлигини эшитиб ҳайрон бўлдим.

— Э, укаҳонлар, бунинг сабаби бор, — деди у шийпон қаватидаги гулзордан бир даста садарайхон шохларини синдириб оларкан. — Эрта кўкларда бир дав-рада «Бу йил Худо хоҳласа Мустақиллик байрамигача пахта планини тўлдираман», деб гапириб қолувдим. Айрим озгича кучи етмаганлар кулиб юборишди. «Гулсарахон, биламиз сиз яхши деҳқонсиз. Бироқ пахта деганларни помидор ёки гилос эмаски тоғорага солиб димлаб пиширсангиз. Ҳузадаги ҳосил кун санайди. Ҳеч бўлмаса 15 сентябргача десангиз ҳам бизлар ишонардик», дейишса бўладими? Уйга келиб турмуш ўртоғим Набижон акага бўлган воқеани гапириб бердим. У ҳам аввал мийғида кулиб, сўнг ўйга қўлиб қолди. «Сувни турмай этик ечибсизда, онаси» деди. Ер текисла-ётти ҳам, чигит экаётганда ҳам, ниҳолларга сув тара-ётганда ҳам хаёлимдан ўша ваъда «ира нари кетмади. Ана энди ўларнинггиз айтингилар: 6 нафар бригада аъзоси учун 1 тектарга полиз экиб, ҳам ер ўғир-

лаш, ҳам ирғич кучини бошқа еққа сарфлаш тўғри бўлармикин?..

Гулсара Умарова ҳақида қисқача маълумот. Водийдан чўлга келган кезалари сочларни учига пилик тақиб юра-

ни уқтириб чиқдим. «Эртадан бошлаб бизнинг далада терим бошланади. Ҳар кунги кечқурун пулларининг менин қўлимдан санаб оласизлар. Мабодо бирон кун ҳақ олмай қолсаларинг, эртасига дарвоза тақиллатиб «далага чиқ» деган одам номард дедим. Билсанларми нима бўлди? Далада байрам бўлди! Баъзи кунлари 100 нафар одам пахта терди. Бир ҳафта ичида 50 тонналик хирмон уюлди. Биринчи сентябрь куни рапортни олиб тўғри вилоят ҳокими

харидоргир бўлса, у юртимиз хазинасига қўшимча маблағ олиб келади. Бундан давлат ютади. Давлат билан одамларнинг манфаати мос келса юртнинг бели бақувват бўлади. Бели бақувват юртнинг эса кўли ҳамма ёққа етади. Ана шунақа гаплар..

Гулсара Умарова раҳбарлик қилаётган мустақил деҳқон хўжалигидаги 50 гектар майдоннинг 30 гектари-га аллақачон галла уруғи экиб бўлинди. Улар бу йил ана шу майдондан 100 тоннадан кўпроқ ҳосил етиштириб, режани ошириб бажаришди. Улар келгуси йили галла ҳосилдорлигини 50 центнерга етказишни мўлжаллаб туришибди.

— Киш бўйи ва кўкларда аъзоларининг усимлик ёғи, чорваси учун ем билан таъминлайман. Улар ёз бўйи олган ҳар сўмларига йил охирида камида яна ўн сўмдан қўшимча мукофот пули ҳам олишади. Бир сўз билан айтганда, уларнинг маракаси ҳам, қувонч-ташвишлари ҳам мана шу ер билан боғлиқ. Ерга меҳрини берган одамлар на ҳорлик, на зорлик қуришади... — дейди Гулсара Умарова.

Яқинда Меҳнатобод туманидан хушхабар олдик. Вилоятда биринчи бўлиб пахта териш режасини бажарган Гулсара Умарова етакчилик қилаётган жамоа деҳқонлари оширилган мажбуриятни ҳам шараф билан удралашибди. Бу нима — омадми? Ёки тақдир табасумими? Бизнингча, бу ютуқлар замирида ҳаётнинг ажиб бир манғиси ётибди. Омад деганлар шoir айтганидек, гойибдан келмайди. Уни ҳар бир инсон ўз қалби, ўз қўли, интилиши ва тинимсиз меҳнати билан яратади. Зотан, бундай одамларга омад аталмиш бахт эпкини ҳақиқата ҳам ва ҳар жойда соядек эргашиб юра-

ди. Хосилдорлик гектари-

ларни олиб кирдилар. Ерга бугдой уруғи тушди. Мутахассисларнинг эътирофи этишича, гўза-поядан тозаланган ва шудгор қилинган майдонларда бугдой пахтазорга сепилган оиладошларига қараганда, 10 центнер юқори ҳосил беради.

Шунингдек, Избоскан туманидаги «Урганжи», Балиқчи туманидаги Х. Эргашев номли жамоа хўжаликларидеги ҳам пахтадан бўшаган майдонларга бугдой экиш қизгин бошлаб юборилди.

Айни кунларда вилоятда юздан ортиқ дон сепадиган сеялка майдонларнинг пахтадан бўша-шини кутиб турибди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

О. МУРОТОВ (ЎзА) олган суратлар.



Элишқалъа туманидаги ал-Хоразмий помли деҳқон-фермер уюмисидеги пахта териши қизгин тус олмақда.

Хўжалигини М. Сапаев бош бўлган бригадада 55 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан ошириб «оқ олтин» йиштириб олиш мўлжалланган. Шу кунларда бригада хирмонининг юксалишига кўз териши усталари катта ҳисса қўшишяпти. Алийқаса, Гаҳвар Қодирова, Доноҳон Розимова ва Хуршида Бектурдинова (суратларда)лар кунига 120-140 килограммдан пахта териш, илгорликни кўлдан беришяпти.

О. МУРОТОВ (ЎзА) олган суратлар.

О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СЕМИНАР САМАРАЛИ БЎЛДИ

Тошкентда «Марказий Осиё ва Кавказда минтақавий хавфсизлик ҳамда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва гуманитар масалалар» мавзусидаги икки кунлик халқаро семинар 24 сентябрь кунини ўз ишини якунлади.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ) Парламент Ассамблеяси билан Ўзбекистон Республикаси иккинчи иш кунини ҳам қизиқарли маърузалар, баҳс-мунозараларга бой бўлди. «Минтақавий хавфсизлик ва атроф-муҳит билан боғлиқ масалалар», «Минтақавий хавфсизлик ва ЕХХТ миссиялари», «Минтақавий хавфсизлик ва гуманитар масалалар», «Минтақавий хавфсизлик ва демократик муассасалар» мавзуларида маърузалар тингланди. Нотиқлар парламентларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, барқарор ривожланиш ва минтақавий ҳамда дунёвий миқёсдаги иқтисодий манфаатлар борасидаги фаолияти, ЕХХТнинг минтақаларда олиб бораётган ишлари, этник ва миллий муаммолар, минтақалар мамлакатларидаги демократия тамойилларига асосланган қонунчилик тизимини шакллантириш билан боғлиқ масалалар тўғрисида сўзлашдилар.

Семинар иштирокчилари минтақалардаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий муаммоларни баргараф этишда минтақавий ҳамкорлик бош омил эканини таъкилландилар. Шу ўринда айтиш керакки, минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш борасида ЕХХТ самарали фаолият кўрсатмоқда. Марказий Осиё ва Кавказ минтақалари бўйича ўтказилган маъруза семинар ҳам бу йўлдаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Семинарда сўзга чиққан Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатлари делегациялари раҳбарлари минтақавий ҳамкорлик, яъни хавфсизлик ва демократия тамойилларига таянган ЕХХТнинг халқаро ҳаётдаги аҳамияти ортиб, нуфузи тобора юксалиб бораётганини эътироф этдилар.

Буни Ўзбекистон билан ЕХХТ ўртасидаги ҳамкорлик мисолида ҳам кўриш мумкин. Маълумки, мамлакатимиз ЕХХТга аъзо бўлганидан буён ўтган қисқа давр мобайнида маъруза ташкилот билан ҳамкорликда Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, экология бузилишининг олдини олиш борасида кўпгина ижобий ишлар амалга оширилди. Марказий Осиё ва Кавказ минтақаларидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий аҳвол билан боғлиқ масалалар муҳокама этилган ушбу семинар ҳам ЕХХТ билан маъруза минтақалар мамлакатларини бир-бирига янада яқинлаштириши шубҳасиз. Бу эса мавжуд муаммоларни биргаликда ва тезроқ ҳал қилишга имкон беради.

Анжуман якунида ЕХХТ Парламент Ассамблеяси Раиси Хавьер Руперез барча иштирокчиларга, хусусан семинарни юқори савияда ташкил этишга алоҳида эътибор бергани учун Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ва республика ҳукумати миннатдорлик билдирди.

Семинарда Олий Мажлис раиси Э. Халилов қатнашди.

Семинар иштирокчилари 25 сентябрь кунини Самарқандни зиёрат қилди.

ЎзА

БУНАҚАСИ ҲАЛИ БЎЛМАГАН

Очиғи, республикамизда сентябрь охири-пайидаги пахта териб, пахтазорга чизель тиркаган тракторнинг кириб келишини ҳатто кекса деҳқонлар ҳам эслашолмайди.

— Буларнинг ҳаммаси, биз деҳқонларга берилган кенг имконият, қолаверса плёнка шарофати тидир, — дейди Марҳамат туманидаги Қорабенов номли жамоа хўжалигининг бригадаси бошлиғи Умарали Шодмонов. — Қирқ гектар майдонда деҳқончилик қилдик. Ҳар бир туп экин сувчида тортиб механикаторнинг, жамоамиз аъзоларининг меҳрига қониб ўсди. Мўл ҳосил етиштирилди.

Ийгим-теримга барвақт киришилди. Йиллик режа беш иш кунда бажарилди. Хосилдорлик гектари-

га 30 центнерданга тўғри келди. Иккинчи теримда яна 17 центнердан қимматбаҳо санаот хомашёси йиғиштириб олинди. Айтиш мумкинки, пахтакорлар янги мавсумни гоёт қисқа муддатларда, юқори натижалар билан якунладилар.

Кузнинг ҳар дамини ғанимат билган деҳқонлар пахтаси батамом териб олинган гўзапояли майдонни куз охиригача «ушлаб туриш»дек анъанадан дадиллик билан воз кечдилар ва тозалов ўтказилган пахтазорга чизель агрегати тиркаган трактор-

ларни олиб кирдилар. Ерга бугдой уруғи тушди. Мутахассисларнинг эътирофи этишича, гўза-поядан тозаланган ва шудгор қилинган майдонларда бугдой пахтазорга сепилган оиладошларига қараганда, 10 центнер юқори ҳосил беради.

Шунингдек, Избоскан туманидаги «Урганжи», Балиқчи туманидаги Х. Эргашев номли жамоа хўжаликларидеги ҳам пахтадан бўшаган майдонларга бугдой экиш қизгин бошлаб юборилди. Айни кунларда вилоятда юздан ортиқ дон сепадиган сеялка майдонларнинг пахтадан бўша-шини кутиб турибди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СЎЗ — АНЖУМАН ҚАТНАШЧИЛАРИГА

КЕЛАЖАК ТАҚДИРИГА МАСЪУЛЛИК

Пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меконхонасида бўлиб ўтган «Марказий Осиё ва Кавказда минтақавий хавфсизлик ҳамда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва гуманитар масалалар» мавзусидаги халқаро семинар нихосига етди. Куйида ушбу анжуман иштирокчиларидан бир нечтасига сўз бердик.



Спенсер ОЛИВЕР, ЕХХТ Парламент Ассамблеяси Бош котиби

Аввало, Ўзбекистон Президенти Иелом Каримов билан бўлиб ўтган учрашувимиз бизда катта таассурот қолдирганини алоҳида таъкидламоқчиман. Учрашув пайтида уқтириб ўтилганидек, мамлакатингиз билан ЕХХТ ва унинг тузилмалари ўртасида ҳар томонлама мустаҳкам алоқалар ўрнатилган. Утаётган анжуман ҳам бунинг яққол далилидир.

Энди бевосита семинар ҳақида гапиралиган бўлсам, бўлиб ўтган мулоқотлар, маърузалар ўзининг ишчанлик ва очик руҳ билан ажралиб турибди. Минтақавий хавфсизлик ва сиёсий, иқтисодий, ижтимоий масалалар юзасидан билдирилган кўплаб фикр-

мулоҳазалар, илгари сурилган гоилар катта қизиқиш уйғотди.

Семинарда иштирок этаётган барча делегациялар аъзолари ҳам ўзларининг фаоллиги билан диққатни тортмоқда. Энг муҳими, уларнинг барчасини Марказий Осиё ва Кавказ минтақаси бугуни, келажак тақдири учун масъуллик руҳи бирлаштириб турибди. Ушбу халқаро семинар ЕХХТ Парламент Ассамблеяси ва мазкур минтақада жойлашган мамлакатлар ҳаётида эътиборга молик воқеа сифатида муносиб баҳоланди, деб умид билдираман.



Вилли ВИММЕР, ЕХХТ Парламент Ассамблеяси Раиси ўринбосари:

Ушбу семинарни гўзал

шаҳрингиз — Тошкентда ўтказилишида озгина ҳиссам борлигидан беҳад мамнунман. Менинг Тошкентда бўлишим бор бўлишим. Дастлаб 1993 йилда келган эдим. У қисқа муддат ичида жуда ҳам ўзгариб кетибди - янада чирой очибди.

Биз уч кун давомида Марказий Осиё ва Кавказ минтақалари мамлакатлари парламентлари вакиллари иштирокида минтақавий хавфсизлик, унинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, гуманитар ҳамда экология билан боғлиқ жиҳатлари ҳусусидаги масалаларни кенг ва атрофлича муҳокама қилдик.

Семинарда барча мамлакат парламентлари вакиллари фаол иштирок этганлиги, фикр-мулоҳазаларини эмин-эркин билдирилганлиги мени жуда ҳам қувонтирди. Ва, бундан кейин ҳам ана шундай семинарларни тез-тез ўтказиб туриш керак экан, деган фикрдаман. Чунки ҳар иккала минтақада талай долзарб муаммолар мавжудки, уларни биргаликда, ҳамкорликда муҳокама қилишимиз лозим бўлади.



Саттар САФАРОВ, Озарбайжон парламенти делегацияси аъзоси:

Мен энг аввало ўзбекистонлик парламент вакиллари билан ушбу анжуманга жуда катта тайёргарлик кўрганликларини алоҳида таъкидламоқчи эдим. Ва фурсатдан фойдаланиб, ўз ташақкуримни изҳор қилмоқчиман.

Мен ҳар иккала мамлакат ўртасидаги алоқалар тобора ривожланиётганлигидан беҳад мамнунман. Шу ўринда Озарбайжон Президенти Хайдар Алиевнинг мамлакатимизга ташрифини эълатиб ўтиш жоиз, деб ўйлайман. Ўзбекистон эришяётган ютуқларни кўриб, эшитиб қувондик.

Семинар очилишида ЕХХТ Парламент Ассамблеяси раиси Хавьер Рупез ушбу анжуманни ўзаро ишонч руҳида ўтишига умид билдирган эди. Семинар давомида ана шу мақсадга тўла эришилди, деб ўйлайман.

И. ХУДОЁРОВ ва Ж. САФОВЕВ ёзиб олди.

ФАРМОН ВА ИЖРО

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан буён ўтган 6 йил ичида ижтимоий-сиёсий соҳада, жумладан, иқтисодиётда катта муваффақиятларга эришилди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон МДХдаги иқтисодий кўрсаткичлари жиҳатидан 1990 йил даражасидан юқори бўлган ягона мамлакатдир. Бу ютуқларга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ, албатта. Мамлакатимизда олиб борилаётган бутунлай янги иқтисодий сиёсат, давлатимиз раҳбари талланган стратегик йўл бизни нурафшон келажак сари элтаётганига ҳамма ишонч ҳосил қилмоқда. Аммо бозор иқтисодиётнинг ўз қонун-қоидалари бор. Улар бир қарада оддий ва лўнда бўлиб кўринса-да, аслида анчайин мураккаб.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Айланма маблағларнинг сақланиши ва ўз вақтида тўлдирилиши учун жавобгарлиқни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонидан сўнг тегишли идоралар, жумладан, бизнинг вазирлигимиз тизимлиги мутахассислар ҳам жойларда бўлиб, мавжуд вазият билан муфассал танишиб қайтишди. Кўплаб корхоналар самарали фаолият юритаётганлигини таъкидлаш билан бирга, шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, баъзи вазирликлар, идоралар, корхоналарда аҳоли кўнгилдагидек эмас. Ўз айланма маблағларини сақлашга масъулиятсизлик билан муносабатда бўлаётган бундай ҳужалик юритувчи субъектларнинг мавжудлиги тўланган қарзларнинг кўпайишига, бюджет тўловлари бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаслик ҳолатига олиб келаяпти.

Ҳужалик юритувчи субъект ўз айланма маблағини бир меъёрга сақлаши, тўлдириб бориши учун биринчи навбатда ўзаро тўловларини вақтида амалга ошириши лозим. Афсуслик, кўплаб корхоналар бу ишнинг улдасидан чиқолмаяптилар. Натيجала, жорий йилнинг 1 юни ҳолатига кўра, республика бўйича дебиторлик қарзлари миқдори 129,9 миллиард сўмни, кредиторлик қарзлари эса 169,8 миллиард сўмни ташкил этди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва иқтисодий ислохотларнинг боришига бағишланган мажлисида Президент Ислам Каримов дебиторлик ва кредиторлик қарзлари масаласига алоҳида эътибор қаратганини бежиз эмас. Чунки буюлжета тўловлар бўйича тушум камомади айна мана шу сабаблар тўғрисида келишди. Ушунда бундай ҳолатнинг юзага келишига йўл қўйётган идоралар ҳақида гапириб, йўлбошчимиз, жумладан, шундай деганди: «Махсус тузилган ҳўқумат комиссиялари, Иқтисодий норкор корхоналар иш бўйича қўмита, Ҳўжалик суди банк қарзлари ўз тўтган корхоналарга нисбатан қатъиятсизлик қилмоқда».

Бу ерда яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, кўплаб корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятсизликлари тўғрисида ўзаро ҳисоб-китоблар сўнгги равишда чўзиб келинаётгани ва ҳисоб-китоблар атайин яшириляпти.

Масалан, Фарғона вилояти иқтисодиёт ва статистика бош бошқармасининг маълумотларига қараганда, вилоят

Унинг сир-асрорларини яхши билмаган ва уларга қатъий амал қилмаган ҳар қандай корхона, ҳар бир тадбиркор синиши, қонун тили билан айтганда, банкротга учраши тайин.

Ҳўш, ишлаб чиқаришдаги бу нохуш ҳодисанинг олдини олиш мумкинми? Бунинг учун нималарга эътибор бериш керак?

Муҳбиримизнинг ана шу ва ушбу мавзуга тегишли бошқа саволларига Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги қошидаги Макроиктисодиёт ва ижтимоий тадқиқотлар институтининг бўлим мудири, иқтисод фанлари номзоди Муҳаммадзариф АЗИМОВ жавоб беради.

ни қилди қайта кўриб чиқиш лозим. Гап бу ерда қардор ташкилотлар сонини аниқлашдагина эмас, балки реал рақамларга асосланган ҳолда мавжуд аҳолини чуқур таҳлил қилиб, салбий ҳолат юзага келишининг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳақида келаяпти.

Баъзи қишлоқ туманларида дебитор ва кредиторлик қарзларидан қутулиш қўйин кечётганлигининг сабаблари нимада?

Улар талайгина. Масалан, биз Тошкент вилоятидаги Бекобод туманининг иқтисодий аҳолини таҳлил этиб кўрганмишда, баъзи бир хулосаларга келидик. Туманда қардор ҳолати йил бошидаги нисбатан йил ўртасида сезиларли камайган. Масалан, дебиторлик қарзлари 173,7 миллион сўмдан 62,7 миллион сўмга ёки 64 фоизга тушган. Кредиторлик қарзлари эса бор-йўғи 0,6 фоизга камайган бўлса-да, ҳар ҳолда иш ижобий томонга силжитган. Лекин туманининг географик жойлашуви, унинг табиий иқлим шароитини ҳам ҳисобга олмаслик мумкин эмас. «Бекобод шамолини» ўзингиз яхши биласиз. Деҳқонлар эрта баҳорданок табиат инжиқликлари тўғрисида бошқа минтақалардагидан баъзида икки баробар кўп харажатга тушадилар. Лекин маъсулотнинг хари нархи нисбатан иқлими, ер шароити яхши туманлардагидан фарқ қилмайдилар. Бундай ҳудудлар республикамизда талайгина. Бу — масаланинг бир томони. Иқкничидан, бозор иқтисодиёти шароитида ҳўжаликлар моддий-техникавий ресурсларни бозор баҳосида сотиб олишяпти. Учқинчидан, ҳоҳдайимизми-йўқми, юқорида таъкидланганидек, бозорнинг ўз қонун-қоидалари бор: маъсулот олдинги, марҳамат қилиб, пулини тўла. Лекин кўплаб ҳўжаликлар сотган маъсулотлари учун қайта ишлаш корхоналаридан пулни ўз вақтида ололмадилар. Миқдори қай даражада бўлишдан қатъий назар, инфляция, деган гап ҳам бор. Деҳқон бир йил аввал сотган маъсулотига бир йил кейин ҳақ олиб, қарздан қутулиб кетиши жуда мушкул. Бу нафақат қишлоқ ҳўжалиги, балки бошқа соҳаларга ҳам тегишли. Занжирнинг бир халқаси узила, бундан бундан бутун иқтисодиёт зарар кўради.

«Халқ сўзи» мухбири Темурабдураҳмонов ёзиб олди.

Бозор иқтисодиёти ва

ТАДБИРКОРГА — АКАДЕМИЯ ДИПЛОМИ

Тошкентда «Филипп Моррис менежмент Сервис Б.В.» компанияси ваколатхонасининг бошлиғи жаноб Давид Горга Халқаро ахборотлаштирув академиясининг дипломи тақдим этилди.

«Филипп Моррис» компанияси ҳам, унинг ваколатхонаси бошлиғи ҳам республикамизда яхши маълум. Компания бизнес ва тадбиркорлик билан шуғулланиб, айна пайтада хайрия фаолиятига катта эътибор бермоқда. Фақат сўнгги йилларнинг ўзида «Филипп Моррис» турли хил спорт мусобақалари, ёшлар дискотекаларини ўтказиш жабҳаларида муносиб ҳамкорлик кўрсатди. Компания ваколатхонасининг «парвоздаги шифохона» ОР-БИС бортда жуда кўп мураккаб операцияларни ўтказган, ўзбекистонлик ҳамкасблари билан тажриба алмашган ўн икки хорижий мамлакат мутахассис-офтольмологларининг хайриявий фаолиятига кенг қўламдаги иштироки, айниқса, диққатга сазовордир. Компаниянинг Ўзбекистондаги кўпгина хайриявий тадбирлари республикамизда жаноб Давид Гор унинг ваколатхонасининг бошлиғи сифатида фаолият олиб бораётган вақтига тўғри келди. Таниқли тадбиркорнинг республикамизда спорт, соғлиқни сақлаш, маданият равнақига мунтазам равишда ҳамкорлик кўрсатиб келаётгани турли халқаро ташкилотлар назарига тушди. Жумладан, Давид Горнинг инсонпарварликка қаратилган фаолиятини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси Халқаро ахборотлаштирув академияси томонидан тақдирланиб, «Филипп Моррис» компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бошлиғига махсус диплом тақдим этилди ва у академиянинг аъзолари рўйхатига киритилиб, мухбир-аъзо унони берилди.

Шуни таъкидлаш кераки, ахборотлаштириш академияси анча обрўли халқаро ташкилотдир. Унинг биздаги қароргоҳи президенти Азат Вартачаннинг айтишича, 1991 йилда ташкил топган бу академия БМТга асоциатив торзда аъзо, деб эътироф этилган ўзига хос бетакдор тузилмадир. Унинг таркибида икки мингга яқин аъзо бўлиб, улар машҳур олимлар, Нобель мукофоти лауреатлари, атоқли жамоат арбоблари, дипломатлар, айрим мамлакатларнинг раҳбарлари ва албатта, тадбиркорлардир. Турли мамлакатлар ўртасида мустаҳкам ўзаро алоқаларни ўрнатиш, фан, тадбиркорлик, иқтисод соҳаларида ҳамкорликни йўлга қўйиш, сармоюли лойиҳаларни тайёрлашда фаол қатнашиш мазкур академиянинг асосий мақсадиридир. Академияда кадрлар тайёрлашнинг мустақил тизими ишлаб чиқилган (бу ҳудди ўша фан номзодлари ва фан докторлари тайёрлашни ўз ичига олади). Бугун академия турли мамлакатларда саккизта қароргоҳига эга. А. Вартачаннинг фикрича, Ўзбекистон ҳам Халқаро ахборотлаштириш академияси эътиборини тобора кўчлироқ ўзига қаратмоқда. Чунки бу заминда иқтисодий ислохотлар муваффақиятли олиб бориляпти, ижтимоий ва гуманитар жабҳаларда қизиқарли ўзгаришлар юз бермоқда.



Шаҳрисабзда «Қарий» генетики олимлари ҳисобдорлик жамияти Силеструнинг «Жане ин-стрейшнл ПТЗ-ЛТД» компанияси билан ҳамкорликда модолиқ сув ишлаб чиқаришда қўмита корхона ташкил қилди. 0,66 литр ҳажмдаги витаминизация қилинган шифобахши ва харидорларига билан қанқадар қизиқарли эътиборини қозонмоқда.

СУРАТЛАРДА: қаддоқчи Отабек Машиков иш ўстириб; ҳисобдорлик жамияти аъзоси Шаймуродов бўлиб бошлиқ Шаймуродов, қўмита корхона раҳбари Асадулло Хасанов ва бош муҳандис Давид Ровиналов маъсулот сифатини кўздан кечиришмоқда.

Ш. ШАРОПОВ (ЎЗА) олин сураглар.

ФАНИМИЗ ЗАҲМАТКАШЛАРИ

Генетика - ноёб, аҳамияти бекиёс фан соҳаларидан биридир. Пахтачилик, галлачилик, чорвачилик, мева-сабзавотчилик сингари жабҳаларнинг ривожини, равнақини, жумладан, генетика фани ютуқларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бинобарин, илим-фаннинг бу йўналишларида ривозатга заҳмат чекиб, унга умрини бағишлаб келаётган олимларимиз ҳам Ватан ва халқ ардоғига муносиб кишилардир. Ҳозирги ўзбек генетика фани ва амалиёти майдонига самарали меҳнат қилаётган Остон Жалилов ана шундай олимларимиздан биридир.

Остон Жалилов 1937 йил Самарқанд вилоятининг Нарпай туманидаги «Иттифоқ» жамоа ҳўжалигида туғилди, болаликда пахтачилик соҳасига ҳамнафас бўлиб ўсди, пахтачилик бригадасини бошқарди. Ниҳоят 1956-1961 йилларда ТошДУнинг бевосита ер меҳнати, деҳқончилик, ўсимликлар олами билан боғлиқ бўлган биология-тупроқ-шунослик факультетида ўқиди. 1967 йилда биология фани номзоди, 1981 йилда эса қишлоқ ҳўжалик фанлари доктори илмий даражаларини олди.

ДЕҲҚОНГА КАМАРБАСТА

Остон Жалилов ташаббуси билан «Гўза гетерозис» лабораториясида қўзанинг вилт касаллигига чидамли, тезпишар, юқори ҳосилдор, толасининг сифати аҳоли навларини яратиб бўйича иш бошланди. Олиб борилган илмий тажрибалар натижасида «АН-Чимбойобод», «АН-Каттақўрғон» ва бошқа навлар яратилди. Бу навлар қимматли қишлоқ ҳўжалик беғилларига эга бўлса-да, вилт билан касалланар эди. О. Жалилов тажрибаларини давом эттириб, профессор Н. Н. Назиров, Ф. Жонқулловлар билан ҳам-тезпишар, тола чикими юқори бўлган «Юдуз» нави дунёга келди.

Хозирги кунда Давлат нав синаш тармоқларга қарашли майдонларида О. Жалилов томонидан яратилган кўсаги йирик, ҳосилдор, тезпишар, толасининг сифати ва чикими юқори бўлган «Меҳнат», «Меҳр», «Ҳазина» ва янги «Дуру гавҳар» навлари синовдан ўтмоқда. Қатор иштиробчи аниқ-ялар бу навлар қаторидан ўрин олишга шай бўлиб турибди.

Профессор Остон Жалиловнинг назарий ва амалий генетика ҳамда селекция фанлари ривожига қўшган салмоқли ҳиссаси МДХ давлатларида, Хитой, Хиндистон, АҚШ, Миср, Австралия, Покистон, Эфиопия, Лаос, Ангола ва бошқа давлатлар

Остон Жалилов ташаббуси билан «Гўза гетерозис» лабораториясида қўзанинг вилт касаллигига чидамли, тезпишар, юқори ҳосилдор, толасининг сифати аҳоли навларини яратиб бўйича иш бошланди. Олиб борилган илмий тажрибалар натижасида «АН-Чимбойобод», «АН-Каттақўрғон» ва бошқа навлар яратилди. Бу навлар қимматли қишлоқ ҳўжалик беғилларига эга бўлса-да, вилт билан касалланар эди. О. Жалилов тажрибаларини давом эттириб, профессор Н. Н. Назиров, Ф. Жонқулловлар билан ҳам-

Остон Жалилов ташаббуси билан «Гўза гетерозис» лабораториясида қўзанинг вилт касаллигига чидамли, тезпишар, юқори ҳосилдор, толасининг сифати аҳоли навларини яратиб бўйича иш бошланди. Олиб борилган илмий тажрибалар натижасида «АН-Чимбойобод», «АН-Каттақўрғон» ва бошқа навлар яратилди. Бу навлар қимматли қишлоқ ҳўжалик беғилларига эга бўлса-да, вилт билан касалланар эди. О. Жалилов тажрибаларини давом эттириб, профессор Н. Н. Назиров, Ф. Жонқулловлар билан ҳам-



• БУХОРО ВА ХИВАНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Дунёда мамлакатлар кўп. Лекин ёши икки ярим мингга борган шаҳари бор мамлакат жуда кам. Ўзбекистонда эса бундай «мўйсифид» шаҳарлар талайгина: Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Термиз, Тошкент...



Аслида ушбу шаҳарларимизнинг айтилатган ёши ҳам анчагина нисбий -- дастлабки текширувлар, изланишлар натижаси. Балки уларнинг ёши бунданда улгуроқдир. Зеро, айрим маълумотлар, топилмалар шундай дейишга асос беради. Чунинчи, Самарқанддан топилган ва ҳозир Улутбек мадрасаси музейида сақланаётган найнинг ишланганига беш минг йилдан ошганлиги аниқланган. Термиз ва Шахрисабзда археологлар хоризлик ҳамкасблари билан олиб бораётган изланишларнинг дастлабки самаралари ҳам кўп нарсдан далolat бермоқда.

Энди ўйланг, халқимиз беш минг йил бурун най ясаб, куй чалган бўлса, унинг маданияти, тарихи неча минг йилга бориб тақалар экан? Уша наини ясаб, унда муайян бир куйни ихро этиш даражасига етгунча неча йиллар ўтгандир, ахир.

Шундай кезларда айрим миллат вакиллари, «Биз сизларга маданият олиб келганимиз», деб етмиш-саксон йил наридаги воқеаларни назарда тутганини эсласам, юрагимда санчик туриб, тепа сочим тикка бўлиб кетади. Бизнинг аجدолларимиз қайирма этикларни учқур тулпорларнинг кумуш узангисига босиб юрганига, ҳозиргача дунё аҳлини дол қолдириб келётган минорало мадрасаларни бунёд этганига неча асрлар бўлди? Бир бобомиз Алжир фанига асос солган бўлса, бошқаси юдузлар жадвалини тузган. Бир умон ортида мамлакат борлигини башорат қилган бўлса, яна бири таботаб борасида даҳо бўлиб қолди. Инсоният тарихида жарроҳликни илк бор шу бобомиз қўлаганига, «Медицина» сўзи «мадади сино» сўзидан олинганига ич-ичимдан ишонгим келади.

Дунё тарихида ўзининг, шу билан бир қаторда халқимизнинг номини мангуликка муҳраб кетган буюк бобокалонларимизнинг қай бири, уларнинг қайси бир хизматларини санаб чиқай. Тўплаган ҳадисларни мусулмон оламида Куръони Каримдан кейинги ишончли манба ҳисобланадиган буюк муҳаддис Имом Бухорийни, ёки ат-Термизийни, Замахшарийни, ёхуд марказлашган буюк давлат яратининг аjoyиб намунасини кўрсатиб қўйган соҳибқирон Амир Термизийни, газал мулкнинг султони деб ном олган улуг Алишер Навоийни, шеърятда шоху салтанатда шоир Бобурними? Қайси бирини айтиш, улар юзлаб, минглаб алломалардир.

Гуржларда бир одат -- келиннинг сени ичида Шота Руставелининг «Йулбарс терисини ёпинган паҳлавон» асарини бўлиши шарт экан. Аjoyиб, ибрат олса арзғулик уду. Тўғри эмасми? Лекин мени бошқадан нарсга уйга толдирди. Бордиро бизда ҳам шундай одат расм бўлса, қайси бобокалонимизнинг қай бир асарини кўшар эдик қизимизнинг келинлик сепига? Берунийнинг «Асар ул-боқия»сини, Имом Бу-

хорий ёки ат-Термизий тўплаган ҳадисларини, Амир Темур «Тузуқлар»ини, Навоийнинг «Хамса»си ёки «Хазойинул маоний»сини, «Бобурнома»сини? Еки бу ерда қаламга олинмаган яна ўнлаб буюк зотларнинг ўнлаб нодир асарларини? Соф севги, чинакам инсонпарварлик, ватанпарварликни куйлаган «Алпомиш», «Тоҳир ва Зуҳра», «Ширин ва Шакар», «Равшанхон», «Авазхон»сини? Уларнинг барчаси бир-бирдан гўзал, бири биридан буюк ва нодир асарлар. Бордиро ҳаммасини жамласангиз, эҳ-ҳе...

дай фидойилар, юрт учун, халқ учун қайишадиганлар бор экан, бундай халқнинг, бундай мамлакатнинг келажакда чинакам, буюк давлат бўлишига шак-шубҳа йўқ.

Йўлбошимиз Ислон Каримов яқинда Бухорога борганида юбилейга тайёрлик ишлари билан танишди. Айниқса, Масжиди Калонни таъмирлаш ишларига алоҳида эътибор берди. У ерда ишлаётган усталар, таъмирчилар, дин пешволари билан очик, самимий суҳбатлашди. Бу жой яқинда ҳам омборхона бўлиб ётарди, деди Президентимиз ва усталар, ишчилар меҳнатига катта баҳо берди. Бу

ҳақида, тарихан қисқа вақт ичида дон, нефть, электр мустақиллигига эришганимиз, тарихимизга, буюк аждолларимиз меросига эътиборимиз хусусида гапирганимизда анжуман иштирокчилари хайратларини яширолмадилар. Ваҳоланки, уларнинг орасида мана-ман деган, унда-мунча мамлакату халқни назарга илмайдиган давлатларнинг вакиллари ҳам бор эди. Бу ҳолдан кўнглим тоғдай кўтарилди. Ўзбекистон деган юртининг фазолиси, ўзбек халқининг фарзанди эканимдан қалбим гурур ва ифтихор туйғулари билан тўлиб-тошди.

Уша кунлари дунёга

Бухоро Регистонидани, Гури Амир ёхуд Ичанқалъа ёлгорликларидан ишлатилган, ҳозиргача барчани ҳайратга солиб келётган, на қору ёнғирлар, на қуёш заираси таъсир қила оладиган, буюқлар сири ҳамон сирлигича қолмоқда. Одам боласининг қадами оёғи етиб борган бугунги кунда энг мутараққий мамлакатларда ҳам ўша буюқлардай ўчмас, абадий ялтираб тургучи ранглар яратилгани йўқ-ку. Бу ёлгорликлардаги безаклар, нақшлар, санъаткорона ёзувлар, ҳарфлар уйини яна қаерда, қайси мамлакатнинг қайси обидасида бор?

Миср эҳромлари улкан тошлардан тикланган бўлса, Ўзбекистон ёлгорликлари, аксинча, мўъжазгина гиштлардан бунёд этилган. Юксакиги ва маҳобати эса бир-бирдан қолшмайди.

Хўш, энди инсоф билан айтинг-чи, катта-катта тошлардан улкан обидалар тиклаш осонми ёки кичик-кичик гиштларданми? Бухородаги Сомонийлар макбараси гиштларнинг терилишига эътибор берганимиз? Нақадар буюк, бетакрор санъат. Унинг ўхшашини яна қаерда кўргансиз?

Ҳа, Ўзбекистон. Аллоҳнинг назари тушган юрт. Шу боис ҳам моддий, ҳам маънавий бойликларимиз беҳисоб. Тарихимиз илдириб қолган, кўп болали оилаларга, фахрийларга, ногиронларга моддий ёрдамлар кўрсатмоқда. Турли ташкилот ва корхоналарда иш олиб бориб, муҳтож кишиларга, қариялар, болалар уйларига ёрдамлар уюштирилишига эришмоқда.

Истиқлол тўғайли халқимиз ўзлигини англамоқда. Тарихимиз, аждолларимиз ҳақида бор ҳақиқатни айта олиш имконига эга бўлди. Кечагина истиқлолнинг олти йиллигини эътибор билан нишонлади. Бевоситга йўлбошимизнинг ташаббуси билан ўтган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали жаҳон узра доғру қозонди. Эндиги навбат Бухоро ва Хиванингни тўйига. Унча-мунча тўй эмас, 2500 йиллик тўй. Кувонмай, фахрланмай бўладими бундан. Бинобарин, бу шаҳарларимизнинг тўйи июнь ойида Парижда -- ЮНЕСКО бош қароргоҳида байрам қилинди. Бу мўътабар халқаро ташкилотнинг қарорига мувофиқ, Бухоро ва Хиванингни 2500 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланмоқда. Бу -- Ўзбекистонни дунё ташаббусига яна бир далил-исбот эмасми?

Саноқли кунлардан кейин аввал Бухорода, кейин Хивада карнай-сурнай садолари интрайди. Улар бутун дунёдан меҳмонларни чорлайди қадимий шаҳарларимиз тўйига.

Булар -- одам боласининг дилини яйратадиган, кўнглини кўкка кўтарадиган ишлардир. Булар -- мустақиллик берган имкониятларга амалий нисоллардир. Булар -- Ўзбекистон фукўроси, ўзбек фарзанди билан нечоғли бахт ва фахрли эканидан ишоратлардир.

Бинобарин, юрти тинч, дили хотиржам халқнинггина кўнглига хурсандчилик сиғиди. Юртимизда эса эрта-индин яна тўй.

Тўйларинг кўпаяверсин, халқим!

М. ҲАЗРАТҚУЛОВ. (У.А.)



Дарвоқе, гап шаҳарларимиз ҳақида кетаётгани... Бу йил қадимий шаҳарларимиздан Бухоро ва Хиванингни 2500 йиллигини нишонлаймиш. Президентимиз имзо чеккан ҳукумат қарорлари билан бу тантангага тайёрлик ишлари билан бир йилдан ошди. Шу вақт мобайнида иккала шаҳарда ҳам жуда катта ишлар амалга оширилди. Бугун Бухоро ва Хивага борган одам бажарилаётган ишлар кўламиндан хайратга тушади. Мейморнинг ёлгорликлар даярли таъмирланиб бўлди. Янги кўчалар, хиёбонлар ва болалар барпо этилди. Бу ишларни амалга оширишда Бухоро ва Хива аҳли қатъон ҳукумат тўлиб берар экан, деб қараб ўтиргани йўқ. Ўз шаҳрини, демак, ватанини севувчи, уни ҳақиқий буюк давлат даражасига қўтариш учун муносиб ҳисса қўишнинг фукўроси, фарзандлик бурчи, деб билган фидойилар ҳиммат кўрсатдилар. Ҳар икки шаҳарда юбилей жамғармаси ташкил этилди. Сунгги маълумотларга кўра, Бухорода ҳам, Хивада ҳам ҳомийлардан тушган пул бир юз эллик миллион сўмдан ошиб кетди. Аслида гап у маблагнинг миқдоридан ҳам эмас. Шунча бетимсол бунёдкорлик ишларини амалга ошираётган давлатимиз қадимий шаҳарларимиз юбилейи олдида бажариладиган ишлар учун ҳам нарсалаб топади, бу йўлда ҳеч нарсани аямайди ҳам. Бу ҳақида Президентимиз аниқ айтиб қўйган: «Маънавиятин мустақамлашга меҳнат ва маблагни аямоқ -- ўзини келажакдан маҳрум қилиш демакдир».

Ҳамага гап -- моҳиятда, одамлар онгидида ўзгаришда, элим деб, юртим деб, ёниб яшаш нима эканини амалда исботлашадир. Шун-

каби ишлар истиқлол шарофати тўғайли амалга ошаётганини, маънавият ва маърифатни юксалтирмай туриб бошқа соҳаларда тараққиётга эришиш қийин эканини алоҳида таъкиллади.

Рост-да, мустақилликка эришмаганимизда масжидларни таъмирлаб бўлармиш? Имом Бухорий, ат-Термизий, Амир Темур, Аҳмад Ясавий сингари ўнлаб буюк бобокалонимиз, ҳаттоки кечагина ўтган сафларимиз -- Беҳбудий, Авлоний, Фитрат, Чўлпон каби маърифатпарварлар, юртпарварлар асарларини нашр этиб бўлармиш? Биз -- олтиминчи йиллар талабалари Чўлпоннинг «Кеча ва кунду» романи кўлэмасини қўлма-қўл қилиб тўнда, яширинча ўқиб чиққанмиш. «Темур тузуқлари»дан «Гулистон» журналида озгина парча босилиб, кейин тўхташиб қўйилганида бир нарсасини йўқотганидай бўлиб қолганимиз кечагидай эсимда.

Истиқлолдан сўнг барча бобокалонимиз ўз асарлари билан ўз юртларига қайтиб келидилар ва келмоқдалар. Бунинг учун яратилган ҳар қанча шукрона билдирсак камлик қилади...

Шу йилнинг июнь ойида мен «Тошкент ошқоми» -- «Вечерний Ташкент» газеталарининг бош муҳаррири Эркин Эрназаров билан бирта Миср Араб Республикаси пойтахти Қоҳира шаҳрида ўтган халқаро анжуманда иштирок этдим. Анжуманнинг очилиш маросимида сўзга чиқиб, мустақилликдан кейинги олти йил давомида Ўзбекистон эришган ютуқлар ҳақида гапирдим. Асакадаги автомобиль, Қоровулбозордаги нефтни қайта ишлаш заводлари, Зарафшондаги америкаликлар билан ҳамкорликда барпо этилган олтин қазини корхонаси ва бошқа кўплаб қўшма корхоналар

машҳур Миср эҳромларини томоша қилдик. Бу эҳромлар дунёдаги етти мўъжизанинг бири ҳисобланади. Қоҳира яқинидаги Гиза саҳросида бунёд этилган учта -- Хеопс, Хефрен, Микерин эҳромлари бу ерга ташириб буюрган ҳар қандай одамни хайратга солади. Уларнинг энг улкани Хеопс эҳромиди бўлиб, у эраминдан олдинги 2590 йилда ниҳоясига етказилган. Мазкур эҳромни тиклаш учун ҳар бири ўртача икки ярим тоннадан бўлган икки миллион уч юз мингта тош ишлатилган. Унинг баландлиги ўша пайтда 147 метр бўлган, ҳозир ўн метр пасайган. Эраминдан минг йиллар бурун ҳеч қандай техникасиз, оддий қўл кучи билан шундай маҳобатли эҳромни бунёд этишни тасаввур қилиш қийин, албатта.

Мен бу эҳромларга узоқ термулдим, чуқур ўйга толдим. Инсон боласининг куч-қудратига яна бир қарра қойиб қолдим. Бирок...


Бирок бошқа бир нарсга хаёлимни чулғади. Уша бетимсол эҳромларга термулар эканман, кўз ўнгимда, Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкенту Шахрисабздаги тарихий ёлгорликлар намоен бўлди. Бейхитёр уларни қисқайла бошладим. Шунда кўнглим ёришиб кетди. Ўзимизнинг тарихий обидаларимиз мен учун азиз ва муқаддас кўринди. Нега? Фақат юртпарварликдан ёхуд нигилистик қарашданми бу? Йўқ мен илоҳи борича масалага ҳолислик, адолат билан қараб хулоса чиқаришга интилдим. Миср эҳромлари ҳақиқатан ҳам ўхшашли йўқ даражада маҳобатли, улкан.

Бизнинг ёлгорликларимиз-чи? Уларда ҳам маҳобат бор, ҳам нафосат, ҳам бетакрор санъат бор. Бу обидаларда ишлатилган рангларнинг ўзи бир мўъжиза. Самарқанд ва

Яқсарой туманида фаолият кўрсатаётган «Умид» жамоа корхонаси ҳар кунги пойтахт аҳолиси дастурхонига 14 хил турда 10-11 тонна нон маҳсулотлари тортиқ этмоқда. Корхонанинг 80 нафар ишчи-хизматчиси уч сменада меҳнат қилиб, ўзбекча «Гизда», «Нарғиз», «Баҳор» нонлари, «Батон», «Француз батони», турли парҳез нонлар, ширин-шакар қулчалар пишириб, харидорлар олқисини олишяпти.



СУРАТЛАРДА: новвой Мурод Хусанов ва уста Жамол Мухаммаджонов; ишчи Насиба Нигматжоннова; сотувчи Қаноат Сафарова харидорлар билан ҳаммаса ана шундай хушмуомалада бўлади.



САХОВАТ

Истиқлолга эришганимиз тўғайли ўзбекиона, миллий қадриятларимиз ўзинизга қайтмоқда, буй кўрсатмоқда, удум ва маросимларимиз янгича мазмун билан бойиммоқда. Ана шу хайрли ишларда халқаро «Наврў» хайрия жамғармасининг хизматлари катта. Жамғарма кейинги йилларда аҳолининг турли қатламлари орасида иш олиб бориб, халқ ишончига тобора чуқурроқ сазовор бўлаётти.

Жамғарманиннг вилоят бўлими бировларнинг хайр-эҳсони эвазига эмас, балки ўз фаолларининг ташкилотчилиги, одамлар учун зарур юмушларни амалга ошириб, маблаглар топаётгани эвазига ўз фаолиятини давом эттирмоқда, кам таъминланган, кўп болали оилаларга, фахрийларга, ногиронларга моддий ёрдамлар кўрсатмоқда. Турли ташкилот ва корхоналарда иш олиб бориб, муҳтож кишиларга, қариялар, болалар уйларига ёрдамлар уюштирилишига эришмоқда.

Вилоятимизда Наврў, мустақиллик байрамлари, халқ сайилларининг ўтиши тобора янгича мазмун билан бойиммоқда. Ана шу халқ севган байрамлар, удуларнинг ўтишига жамғарма фаоллари ҳам катта ҳисса қўшаёттилар. «Наврў» байрамлари олдиндан шанбаликлар ўтказиш ҳисобига пул маблаглари захираларини тўлдириб бораётти.

Айрим хайрия ишлари ташаббускор жамоалар ҳисобидан амалга оширилади. Жамғарма ташаббуси билан йирки корхона ёки ташкилот фаолларига мурожаат этиб, қариялар, болалар уйларига, маҳсул мақтабларга, муҳтож оилаларга моддий ёрдамлар уюштирилмоқда. Бундай ёрдамлар «Наврў» жамғармаси ҳисобига туширилмасдан тўғридан-тўғри

ришга киришилади. Жамғарма, унинг жойлардаги фаоллари бир йил давомида амалга оширадиган тадбирларнинг ҳаммаси ана шу дастурда ўз аксини топади.

Жамғармаимиз ҳузурида иккита кичик корхона ташкил этилган. «Орзу» кичик корхонаси сантехника ишларини амалга оширади, иситиш қозонлари ясаш билан шуғулланади, аҳоли уйларига иситиш тармоғи, газ, водопровод ўтказиш билан машғул.

«Саховат» кичик корхонаси Китоб туманида ташкил этилган бўлиб, асосан деҳқончилик билан шуғулланади.

Ҳар икки кичик корхона ҳам муҳтож оилаларга, ногиронлар ва фахрийларга имтиёзли суратда хизмат кўрсатади, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари арзон нархларда етказиб берилади.

«Наврў» хайрия жамғармаси мамлакатимизнинг турли бурчакларида хизмат қилаётган қашқадарлик аскарларнинг отагини олган. Вақти-вақти билан улар хизмат қилаётган қисмларга саёхатлар уюштириб, учрашувлар ўтказиб, концерт томошалари кўрсатилади, турли бамлар уюштирилади.

«Наврў» жамғармаси қадриятларимизнинг тиклашиши йўлида сая-ҳаракат кўрсатмоқда, мажруҳ қалбларга Истиқлол шуурини олиб киришга ҳаракат қилаётти, вилоят радиоси, телевидениеси, газеталар орқали чиқишлар уюштириб, хайрли ишларнинг амалга ошиши учун жон қойтимоқда.

Низом БЕГМАТОВ, «Наврў» хайрия жамғармаси Қашқадарё вилоят бўлими раиси.

ҚОНУН-АСОСИЙ МЕЗОН

Маълумки, ҳўжалик субъектлари ўртасидаги шартнома муносабатларини такомиллаштириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш кўп уқладли бозор иқтисодийетини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Бу борада, шубҳасиз, ҳўжалик судлари зиммасига катта масъулият юклатилган. Зеро, улар томонидан қабул қилинадиган адолатли ва ҳаққоний қарорлар жойларда аниқ иш маромини таъминлаш, турли иқтисодий низооларни ўз вақтида бартараф этиш имконини беради.

Тошкентда бўлиб ўтган республика ҳўжалик судлари судьяларининг семинарида ана шунлар ҳақида сўз юритилди. Олий ҳўжалик суди раиси М. Абдусаломов республикада одил судловни таъминлаш юзасидан амалга оширилатган ишларни таҳлил қиларкан, бу борада ҳали талайгина нуқсон ва муаммолар мавжудлигини таъкидлади.

Суднинг қарори ҳал қилувчи кучга эга, -- деди у жумладан. -- Бинобарин, судьяларимиз конституцион бурчаларини тўла эис этиб, ҳар бир ишга виждонан ёндашишлари, қону талабларини унутмасликлари лоим. Ҳўжалик судларининг моддий-техника базасини мустақамлаш олдимида турган зарур вазифалардан биридир. Эндиликда фан-техника тараққиети ва илгор технологиялардан фойдаланган ҳолда ҳуқуқий жараёнларни такомиллаштириш, жойлардаги ҳўжалик судлари билан компьютер ускуналари орқали алоқа ўрнатилиш чораларини кўришимиз керак. Ана шунда судлов ишларини жадаллаштириш учун қулай имконият тувилади.

Сўзга чиққан нотидлар ҳўжалик судларида даъво аризаларини биринчи босқичда кўриб чиқишининг баъзан муҳим жиҳатларига тўхталиб, ҳуқуқий-демократик жамиятнинг барпо этиш, судьялар малакасини ошириш, ҳал қилув қарорларининг қонунийлиги ҳамда ижросини таъминлаш, статистик маълумотларни умумлаштириш ва амалиётда қўлаш билан боғлиқ масалаларга эътиборин қаратдилар.

Семинарда ўзаро фикр ва тажрибалар ўртоқлашилди. А. ШУКУРОВ, Б. ШОХЗАЯРОВ.

ДАРАКЛАРИ

ВАРШАВА. Мамлакат парламенти -- Сейма сайловлар бўлиб ўтди. Дастлабки натижаларга кўра, унда ўнг блок партиялар ва «Бирдамлик ақция выбора» ташкилоти Сеймдан кўп ўрини эгаллашга муваффақ бўлган.

СЯНГАН. Хитойнинг ҳудудий бирлиги Гонконгда Халқаро валюта жамғармаси ҳамда жаҳон банкисини навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда жаҳон мамлакатларидаги молиявий аҳолиночор давлатларга иқтисодий ёрдам кўрсатиш масалалари муҳокама этилди.

БРАЗЗАВИЛ. Конгода мамлакатнинг ҳозирги Президенти Паскал Лиссуби қўишлари билан собиқ Президент Дени Сассу - Нгессога содиқ жағғарилари ўртасидаги зиддият янада кучаймоқда. Ҳукумат қўишлари мамлакат пойтахтининг муҳолифат эгаллаган ҳудудини «Кобра» жағғовар вертолётларида уққа тутган. Натижада ўнлаб киши ҳалок бўлган.

ХОВЛИ ТўЙЛАРИ

Пахтакор шаҳрининг «Янгиқўрғон» маҳалла аҳли «Жиззахчўлқурилиш» бирлашмасининг 13-механизациялашган кўчма жамоаси бунёдкорларидан бир эмас, иккита совға олдилар.

190 ўқувчига мўъжалланган мактаб биноси фойдаланишга топширилади. Шунингдек, икки қаватли турар-жой биносининг ўн иккита хонадонидан, иккита коттеж биносидан ҳовли тўйлари бўлиб ўтди.


Ҳ. НАБИРАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Advertisement for kitchen fixtures and lighting. Includes logos for SPV, LIVAL, and LAGUNA LIGHT. Text: Пул ўтказиш орқали: • абажурлар • стол усти лампалари • люстралар • бра • оғис • ёриткичлар. Ҳамда ҳар хил ёриткичлар учун турли лампалар. Тел.: 55-34-06, 74-05-22.

ИККИНЧИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ



ЎЙИНЛАРИ ЯКУНЛАРИГА ДОИР



ИМКОНИАТЛАР КЎП ЭДИ

Алматида халқаро олимпия кўмитаси шафелигида уюштирилган иккинчи Марказий Осиё ўйинлари нихоясига етди. Бу мусобақада беш мамлакат -- Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон ва Қозоғистон спортчилари иштирок этди. Марказий Осиё ўйинлари илк бор икки йил муқаддам Ўзбекистонда ўтган эди.

Ўзбекистонлик боксчилар юксак маҳоратларини яна бир бор намойиш қилдилар -- уларнинг ҳисобида олтин олтин медал бор. Бу Дилшод Йўлдошев, Тўқтинбой Турғунов, Маҳаммад Абдуллаев, Дилшод Ёрбеков, Сергей Михайлов ва Руслан Чагаевларнинг хизматидир.

Ўйинларда энг моҳир мерган, деб эътироф этилган Шўҳрат Аҳмедов Тошкентта ҳавас қиларди мукофот қайтди. У ўқ отиш бўйича

тўрт хил машқда биринчиликти эгаллади. Дзюдочиларимиз Андрей Штурбабин, Фарҳод Тўраев, Армен Багдасаров ўз вази тоифаларида олтин медални қўлга киритиб, командамиз ҳисобидаги мукофотларга салмоқли улуш қўшибди. Икки нафар оғир атлетикачимиз -- Игор Халлаев ва Виктор Янский шарафига ҳам Ўзбекистон Давлат мадҳияси янгради.

Теннисчиларимиз ҳам иккита олтин медални қўлга киритишди. Тимур Ганиев яқма-яқма беллашувда, Наталья Никитина билан Лиля Виктякова эса жуфт беллашувда рақиблари устидан ғалабага эришди.

Сунгги йилларда йирик халқаро мусобақаларда яхши натижа кўрсатиб, мухлисларни хурсанд қилган сузувчилар бу гал ўз имкониятлари даражасига чиқолмадилар. Баскетболчи ва волейболчиларимиз ҳам мукофотсиз қайтишди. Бу ҳол мураббийлар-

ни жиддий ўйлашга мажбур қилиши табиийдир.

С. ТЕН, ЎЗА мухбири. СУРАТЛАРДА: иккинчи Марказий Осиё ўйинларидан лавҳалар.

М. АМИН олган суратлар.

МУТОЛАА САОДАТ СОҲИЛИГА САФАР


Ҳар қандай хайрли тadbир моҳиятида чўнг бир инсоний соғинч ётади. Инсон кимнидир севса-соғиниб севади. Соғиниб ўйлайди, изтироб чекади. Соғинч алал-оқибат бизни висолга, эзгуликка етаклайди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги халқаро жамғарма аъзолари буюк бобомиз изларини соғиниб йўлга чиққанларига ҳам беш-олти йил бўлапти. Утган мuddат ичида бир-неча бор илмий экспедициялар ўтказилди.

Бобуршунослик фани ва маданиятимиз тарихи жуда қимматли маълумотлар билан бойиб, кўплаб дўстлар орттирдик. Яқинда «Ёзувчи» нашриётидан мазкур илмий сафарлар бир қадар муфассал қаламга олинган «Асрларни буйлаган Бобур» номли китоб босмадан чиқди. Китоб муаллифлари -- ушбу экспедиция раҳбари, таниқли олим Зокиржон Машрабов ва илмий сафарнинг фаол аъзоси, журналист Собиржон Шокаримовдир.

Туркменистон, Эрон, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон каби мамлакатлар сарҳадлари оша уюштирилган кенг қўламли бундай сафар моҳият-эътибори билан маданиятимизда, фанимизда янгилик бўлди. Бу юрт озодлиги ва истиқлолнинг беназир инъомидир.

Китоб мутолааси асосида ўқувчи кўз олдига ўтмиш ва бугун қоршиқ ҳолда гавдаланади. Муаллифтар маълум бир ўлка, шаҳар ёки қишлоқ таърифини унинг тарихидан бошлашади. Энг муҳими тилган олинётган жойнинг Бобур ва бобурийлар ҳаётига, тақдирига дахлдор зарур нуқталарни алоҳида меҳр билан ҳуқоя қилинади.

Сафар қатнашчилари кўп-лаб мамлакатларга ўлкаларда бўлишган. Табиийки, бу юрتلарнинг тараққиёти, одамларнинг турмуш даражаси ҳам турлича. Лекин юртдошларимиз ушбу мамлакатларга, одамларига баҳо берганда уларни ўзбекиона холислик, яхшисини ошириб, ёмонини яшириб, дегандай, ёрут бир юрғи тарк этмайди. Улар ҳар жойнинг ўзига хос табиати, маланий-тарихий ёдгорликлари, шаҳарла-



Асрларни буйлаган БОБУР

нинг бугунги кўриниши, одамларнинг эзгу хислатлари ҳақида самимий ва мароқ билан сўз юритадилар. Совет замонида Бобурнинг ҳаёти, улугвор мероси чеklangан тарзда ўрганилар ва ўрганилар эди. Шундан ҳам, совет кишисидан унинг «босқинчилик»дан иборат «реакцион моҳиятини» унутмаслик талаб қилинади. Ҳинд халқи эса буюк ватандошимизни «босқинчи» сифатида эмас, адолатпеша шоҳ, тинчлик ва ободончилик гарови, маданият ва тараққиётнинг улкан ҳоимиси сифатида танган ва тан олган. Бунга китоб муаллифлари ҳам гувоҳ бўлишиб, ўз ҳаяжонларини шундай ифода этишади: «Улғу ҳинд халқи хос яна бир олижаноб хислатни кўриб гоят қувондик. Бутун сафар давомида тарихий обидлар -- бобурийлар қадимжоларини ихлос билан зиёрат қилаётган ҳиндиларни кўрдик. Улар орасида етти ёшдан тортиб етмиш ёшгача бўлган эркак, аёллар бор эдилар. Невараларига бобурийлар тарихидан сўзлаб бераётган нуруний боболар, мунис моларини

кўрдик». Бобурнинг ҳинд диёрида эришган улкан ҳарбий ғалабаларининг тарихий моҳияти ўзгартрилмасдан, уни ҳаққоний акс эттирилганлигини гувоҳи бўлишга муяссар бўлган ватандошларимизнинг қуйидаги иқроорлари ҳам эътиборга моликдир: «Биз ҳамон Бобур бобомиз ғалаба қилган ана шу Панипат жанги майдонида очик мемориал музейини томоша қилмоқдамиз. Бу музей ақл-идрок ва юксак дид билан тарихий воқеаларга илмий ва ҳаққоний ёндашган ҳолда ташкил этилганлигининг гувоҳи бўлдик. Бу очик мемориал музейдаги ҳар бир экспонат ва битилган лавҳаларда Панипат жанги Бобур ғалабаси билан тугатилган ва Бобур, умуман, бобурийлар Ҳиндистон тараққиётида илҳомий ҳолатни вужудга келтирганликлари ҳаққоний акс эттирилган».

Халқаро илмий экспедициянинг энг катта ютуғи ҳозирда Ҳиндистоннинг Хайдаробод шаҳрида яшаётган Лайло Уммахоним бошчилигида Бобур авлодлари хонадонини топиб, бу мўътабар оила ва юртимиз ўрғатсида ўзига хос кўприк бўлганлигидир. Китобнинг энг ҳаяжонли саҳифалари худди шу учрашув ҳақида. Улғу бобомиз орузманд бўлган, бирок этишолмаган бахтга ораддан асрлар ўтиб, унинг авлодлари етишдилар. Бобурийзодалар -- Зиёвуддин, Масиҳиддин, Шажойдин бошо юртбошимиз тақлифи билан Ўзбекистон тупроғини зиёрат қилиш бахтига муяссар бўдилар.

Ушбу китоб халқаро жамғарманинг йирик илмий текширишларининг илк сарҳисобидир. Беш аср аввал саодат излаб сафарга чиққан бобомиз изидан соғинч билан сафар қилган фидойиларнинг савоб талаб ишлари жамбулжам бўлган мазкур китоб ўқувчиларга муаллифларнинг Бобурийларга нисбатан қайноқ муҳаббатини юқтиради, деган умиддамиз. Жалолидин САФОЕВ.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

АНДИЖОН:

Мамлакатимиз аскиячилик мактабига асос солганлардан бири -- қорасулик Абдулхай ота номи нафақат Ватанимизда, балки Марказий Осиёда ҳам машҳур.

Унинг, самимиятга йўрилган, ичакузди аскиялари аллақачон кулгисевар халқимизнинг мулкига айланган. 50 йилдири, Абдулхай Махсум ўзининг зукколиги, ҳозиржавоблиги, гоят топиб айтилган сўз уйини билан шодияналарга кўтаринкилик, кишиларга қувончу шодлик улашиб келаётир.

Кулги дарғасининг 75 ёшига бағишланган тантаналар халқ эътиромининг рамзи сифатида дастлаб Марғилонда кейин Қўқонда бўлиб ўтди. Ота туғилиб ўсган Қорасув шаҳридаги айгин эса халқ сайлига, катта байрамга айланиб кетди. Кўшни вилоятлардан, Қирғизистон Республикасининг олис овулларидан келган меҳмонлар халқ аскиячисини бағирларига босиб кўтадилар. Вилоят ҳокимлиги «ЎЗДЭУ авто» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган «ТИКО» автомобилнинг калитини топширди.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ.

ФАРФОНА:

Маълумки, қадим замонларда юртимиздаги ҳар бир шаҳарнинг ўз тамғаси-герби мавжуд бўлган. Қўқонликлар шу тарихий аънамага риоя қилиб, шаҳарларининг гербини яратишга киришдилар.

Шаҳар ҳокимлиги томонидан ўтказилган танловда йигирмадан зиёд намуналар кўриб чиқилди. Шаҳар дизайн бўлими бошлиғи М. Фозилов раҳбарлигидаги гуруҳга шу лойиҳа чизмаларидан энг мақбулини танлаб олиш вазифаси юклатилди. Танловдан ўтган тўртта лойиҳа чизмаси шаҳар газетаси орқали қўқонликлар ҳуқига ҳавола этилди.

Набижон СОБИР.

НУКУС:

«Қорақалпоқтранс» давлат ҳиссдорлик жамияти ташкил топганига 60 йил бўлди.

Ҳозирги кунда бу йирик уюшма корхоналари бир неча юз юк автомобилларига, ҳамда автобусларга ва 350 та энгил автомашиналарга эга бўлиб, республиканинг 280 дан ортқ йирик корхона ва муассасаларига шартнома асосида хизмат кўрсатмоқда.

Улар ёрдамида йилига ўртача 16 миллион тоннадан кўпроқ халқ ҳужалиги юклари ташилиб, 74 миллион йўловчи ўз манзилига етказиб қўйлаётир. Ҳайитбой АБДУСОДИҚ.



ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

1995 йил. Туман маркази -- Сардобада вилоят хотин-қизлар кўмитасининг кўчма семинари давом этмоқда. Унинг қатнашчилари семинар доирасида ташкил этилган кўрғазмага тақлиф қилинди. Унда Усмон Носир номли ширкатлар уюшмасида фаолият бошлаган «Гулруҳ» зардўзлик цехи маҳсулотлари кўйилган эди.

Турли туман ва шаҳарлардан ташриф буюрган фаол аёллар зардўзчиларнинг қўлида сайкал топган буюмларни кўриб, кўзлари яшнаб кетди. Келин олиш, қиз чиқариш орзусида юрганлар кўнглида «Ўелимга, келинимга, қизимга мана шу тўнлар ва дўппилардан буюртма берман», деган ният туғилди. Аслида бу тўн ва дўппилар «Гулруҳ»нинг илк маҳсулотлари эди. Бугунги кунда ҳар бир орзу-ҳавасли оила тўй қилса, албатта, зардўзчилар тиккан буюмларни харид қилади. Негаки, «Гулруҳ»нинг доврғи бутун вилоятга ёйилган.

Цех бошлиғи Гуландом Ёдгоров асуҳбат асосида ўз ишлари, режалари ҳақида севаиниб, тўлиб-тошиб гапириб берди.

Тумандаги бир йиғилишда ҳокимимиз менинг Бухоро -- зардўзчилар юртидан эканлигини билган, «Гулдай хунарингиз бор экан, бир гайрат қилиб, бизда ҳам шу касбни тартиб этмасизми?» деб қолдилар. Уйга қайтдим-у, ўзимча режалар туза бошладим. Қишлоқдаги бу ишга ҳавасманд бўлган қизлар ва келинчаларни тўплаб, ишни бошлаб юбордим. Лекин бу ҳали орзу эди. Ишнинг қанчалик қийинчилиги билан бошланганини, тadbиркорлик осон эмаслигини сезиб турардим.

Айтилган гап -- отилган ўқ Гуландом меҳнатдан чўчидиганлар тоифасидан эмас. Усмон Носир номли ҳужалиқнинг маший хизмат уйидаги бир неча хона мослаштирилиб, тикув дастгоҳлари (попоп тикадиган машиналар) соғитиб олинди. Ўз ҳисобидан таътил

олиб Бухородаги зардўзлик комбинатига бориб, мутахассислар билан маслаҳатлашди, кенашди, йўл-йўриқ, ёрдам сўради. Баъзи хомашларни келтирди. Зардўзчиликка қизиққан қиз-

ОҚОЛТИНЛИК ЗАРДЎЗЧИЛАР

ларни тўплаб, иш бошлади.

Гоҳ у қизнинг, гоҳ бу қизнинг ёнига ўтириб, иш ўргатди. Зар ипларни ишлатишни, қатимларнинг бир текис, безату нақшларининг нафис чиқишини кўзати. Дастлаб кичик-кичик буюмлар: игна сангич ёстиқчалар, болалар учун бежирим дўппичалар, камзулчалар, кейин келин-куёвга зар либослар, тўй болаларга зар тўнлар, ҳатто туфли, шиппақларгача тикилди. Қисқаси, бу ерда ўзбек хонадонларини беэйдиган, кўзни қувонтирадиган зардўзлик маҳсулотлари тури кўпая бошлади. Бу орада Гуландом Ёдгоров бир неча бор Бухорога қатнаб, комбинат раҳбарияти билан шартнома ҳам тузди. Шунга кўра, у ёқдан хомаш маҳсулотлари олиб келинди.

Лекин бир муаммо бор, -- дейди Гуландом. -- Қизларимизнинг қўли эндигина ишга кели-

шиб қолганда, бошқа ҳўжалик ёки туманларга турмушга чиқиб кетишади. Урчиларига яна янги-ларини олишга тўғри келади. Демак, улар билан яна қайтадан иш бошлаш керак. Лекин қандай бўлса-да, зардўзлик цехимизнинг иштини тўхтатмасдан давом эттиришга ҳаракат қилаёмиз.

Кейинги пайтда ўзбек хонадонларида қиз чиқарганда ёки ўғил уйлантирганда келин-куёвларга зардўзлик либосларини кийгизиш урф бўлиб бораётганлиги ҳаммага маълум. У ҳам ишимизнинг юришишига ёрдам

берапти. Яқка ҳолда буюртмалар қабул қилаёмиз. Шунингдек, болалар боғчаларидан ҳам буюртмалар бўлиб туради. Айниқса, тўй болаларни бугунги кунда попоп ва зардўзлик тўналарисиз, дўппиларисиз, қийиқчаларисиз тасаввур этиш қийин.

Айни вақтда зардўзлик цехида 8 нафар қиз ишлапти. Гуландом уларни фахр билан «Оқолтинимизнинг сулув зардўзчи қизлари», деб атайдди. Ойдин Норкулова, Зумрад Оққулова, Анора Бегматова ва Нигрра Хўжақуловаларнинг қўлларидан сайкал топаётган буюмлар харидорларнинг, буюртмачиларнинг кўзини қувонтиради.

Дарвоқе, Гуландомнинг ўзи ҳақида тўхталганда унинг асл касби ҳуқуқшунос эканлигини тилга олиш керак. У ТошДунинг ҳуқуқшунослик факультетини тугатган, бир неча йилдан бери ана шу ҳўжаликда ҳуқуқшунос-маслаҳатчи бўлиб меҳнат қила-

Янгийўл туманидаги Ҳ. Ҳ. Ниёзий номли мактаб кутубхонаси доимо китобхонлар билан гаважум.

Д. АҲМЕДОВ олган сурат.

Advertisement for BЮТИ ПЛЮС (BYUTI PLUS) featuring a portrait of a man and text about quality and service.

Advertisement for SUVMASH featuring a logo and text about electrical machinery and services.

Advertisement for a legal office (Республика прокуратураси) with contact information.

Logo for 'Халқ Сўзи' (Halq S'uzi) and 'Народное Слово' (Narodnoe Slovo).

Advertisement for MUASSISLAR (Муассислар) listing various services and contact details.

Advertisement for BУЛИМЛАР (Bulimlar) listing various services and contact details.

Advertisement for 'Шарк' (Sharq) newspaper listing contact information.

Advertisement for MANZILIMIZ (Манзилимиз) listing contact information.